

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСМАИЛОВ РАВШОНБЕК АЛИМБАЕВИЧ

**ТУРЛИ ХИЛДАГИ ТЎМТОҚ ЖАРОҲАТЛАНИШЛАРДАН
ЖАБРЛАНГАНЛАРДА БОШ, УМУРТҚА-ОРҚА МИЯ ВА ҚЎЛ-ОЁҚ
ЖАРОҲАТЛАРИНИ ЭКСПЕРТЛИК БАҲОЛАШ**

14.00.24-Суд тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2021

УДК : 616.715:616.711:616.717:616.718]-001

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исмаилов Равшонбек Алимбаевич

Турли хилдаги тўмтоқ жароҳатланишлардан
жабрланганларда бош, умуртқа-орқа мия ва
кўл-оёқ жароҳатларини экспертлик баҳолаш..... 3

Исмаилов Равшонбек Алимбаевич

Экспертная оценка повреждений головы,
позвоночника и конечностей у пострадавших
при различных видах тупой травмы..... 21

Ismailov Ravshonbek Alimbaevich

Expert assessment of injuries to the head, spine
and limbs in victims of various types of blunt trauma..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСМАИЛОВ РАВШОНБЕК АЛИМБАЕВИЧ

**ТУРЛИ ХИЛДАГИ ТЎМТОҚ ЖАРОҲАТЛАНИШЛАРДАН
ЖАБРЛАНГАНЛАРДА БОШ, УМУРТҚА-ОРҚА МИЯ ВА ҚЎЛ-ОЎҚ
ЖАРОҲАТЛАРИНИ ЭКСПЕРТЛИК БАҲОЛАШ**

14.00.24-Суд тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.4.PhD/Tib1571 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-соҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Индиаминов Сайит

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бахриев Иброҳим Исоматдинович

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Мукашев Мукамбет Шарипович

тиббиёт фанлари доктори, профессор (Киргизистон)

Етакчи ташкилот:

Кубан давлат тиббиёт университети

(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «4» август соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2.Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (765 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «23» июл да тарқатилди.
(2021 йил «23» июл даги 2 рақамли реестр баённомаси).



Г.И.Шайхова
Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

И.О. Отажонов
И.О. Отажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

Р.Дж.Усманов
Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда технологик тараққиётнинг жадал ривожланиши, транспорт воситалари ва бошқа инфратузилмалар сонининг кескин ошиши шароитида оғир қўшалок жароҳатланишлар билан боғлиқ инсонлар ногиронлиги ҳамда ўлими юқори даражани ташкил этмоқда. Ҳозирги вақтда «...бутун дунёда ҳар йили йўл-транспорт ҳодисалари ва баландликдан йиқилиш оқибатида 5.8 миллион атрофида инсонлар вафот этиши кузатилади...»¹, қўшалок жароҳатланишлар билан боғлиқ ўлим сабаблари ва тафсилотларни аниқлаш орқали жабрланган шахсларга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган чора-тадбирлар белгиланган ва бу борада тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда турли тафсилотлар билан боғлиқ қўшалок жароҳатланишларнинг профилактикаси, эрта ташхисоти ва турли босқичларда даволашнинг замонавий ҳамда самарали усуллари ишлаб чиқиш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада йўл-транспорт ҳодисалари ва баландликдан йиқилиш ҳолатларда инсонларда бош, умуртқа-орқа мия ва кўл-оёқ тузилмалари жароҳатлари табиати ва шаклланиш жиҳатларини ўрганиш, бу турдаги жароҳатланишларнинг турли хилдаги тўмтоқ жароҳатланишлардан фарқ-тафовутларини очиқ бериш орқали ташхисот тизимини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан, турли хилдаги механик шикастланишлардан жабрланган шахсларда жароҳатларни ташхислаш сифатини оширишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ҳар хил шароитларда юзага келадиган йўл-транспорт ҳодисалари ҳамда баландликдан йиқилиш ҳолатлардан жабрланганларда одатда юзага келадиган скелет суяклари ва ички аъзоларнинг оғир қўшалок жароҳатланишларини ташхислаш ва самарали даволаш тартибини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

¹Mortality Patterns in Patients with Multiple Trauma: A Systematic Review of Autopsy Studies / R. Pfeifer, M. Teuben, H. Andruszkow et al. // PLoS One. - 2016. - № 11(2).

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4049-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳаракатдаги автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашуви ҳамда ҳаракатдаги автомобиллар салон ичида жароҳатланишлар йўл-транспорт ҳодисаларининг энг кўп кузатиладиган турларини ташкил этади. Йўл-транспорт ҳалокатида автомобил ҳайдовчиси ва салон ичидаги йўловчилари гавдалари турли даражадаги инерцион ҳаракатга эга бўлиб, салон ичи қисмлари турли манбаларининг деформацияси таъсиридан жароҳатланади (Смиренин А.С., Хабова З.С., Фетисов В.А., 2015; Пиголкин Ю.И., Дубровин И.А., Седых Е.П., Мосоян А.С., 2015; Edwards M., Nathanson A., Wisch M., 2014). Автомобиллар салони ичида жароҳатланишларда йўловчиларда жароҳатланишлар ҳайдовчиларга нисбатан 2 маротаба кўп кузатилади ва бу ҳолат йўловчиларнинг йўл-улов ҳодисасини олдиндан сезмаслиги оқибатда уларда кўпинча бош ҳамда қўл-оёқларга жароҳатлар етказилиши билан изоҳланади (Шадымов А.Б., Новоселов А.С. 2014; Hayashi R., Isogai J., et.al., 2012). Ҳайдовчилар танасидаги жароҳатлар асосан чап томонлама жойлашади, олдинги ўриндикдаги йўловчиларда эса жароҳатланишлар тананинг ўнг ярмида кузатилади. Рул бошқарув тузилмаси ўнг томонга жойлашувга эга автомобилларда ҳайдовчилар учун оёқ метокорпал суяклари синиши, олдинги ўриндикдаги йўловчиларда эса оёқ фалангаларида жароҳатланишлар шаклланиши характерлидир (Сидоров Ю.С., 1990; Фокина Е.В., 2009; Шадымов А.Б., Новоселов А.С., 2009; 2014; Паньков И.В., Саркисян Б.А., Вотинцев А.А., 2014). Умуртқа - орқа мия жароҳатлари ҳайдовчиларнинг 60% ва йўловчиларнинг 20% да аниқланади, улар одатда йўловчиларда мия қаттиқ пардаси ва бўйин соха умуртқа тузилмаси

жароҳатлари билан кечади, бел ва думғаза умуртқалари тузилмалари жароҳатлари ҳайдовчилар ва йўловчиларда деярлик бир хил даражада кузатилади (Седых Е.П., 2013; 2014). Ушбу маълумотлар ҳайдовчилар ва йўловчиларда умуртқа–орқа мия тузилмалари жароҳатланишлари табиатининг хилма-хилигидан дарак беради. Адабиётларда автомобил травмаларининг айрим бошқа турларида инсонларда бош, умуртқа-орқа мия ва оёқ-қўл тузилмалари жароҳатлари табиати ва морфологиясини ўрганишга бағишланган қатор маълумотлар мавжуд. Бироқ, ушбу маълумотлар айрим фрагментлардан иборат бўлиб, жароҳатлар мажмуаси тизимлаштирилмаган ва баъзиларида фарқ тафовутлар ҳам мавжуд (Смиренин С.А. хаммуал., 2017; Дубровин И.А. хаммуал., 2018; Шевченко К.В., Бородулин Д.В. ва бошқ., 2019). Тўмтоқ механик воситалардан жароҳатланишларнинг бошқа турларида, шу жумладан баландликдан йиқилиш ҳолатларида тана қисмлари тузилмалари жароҳатланишларининг шаклланиш жиҳатлари ва механизми етарлича ўрганилмаган (Бахметьев В.И., Бежкинева А.Р., 2019). Буларнинг барчаси турли хилдаги тўмтоқ жароҳатланишларда суд тиббий ташхисот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

Ўзбекистонда тўмтоқ механик воситалардан жароҳатланишларни суд тиббий баҳолаш борасида қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Индиаминов С.И., 2012; Хван О.И., 2017; Рўзиев Ш.И., 2017; Машарипов А.С., 2020), бироқ, турли хилдаги тўмтоқ жароҳатланишларда бош, умуртқа-орқа мия ҳамда қўл-оёқ тузилмалари жароҳатланишларининг табиати ва морфологик жиҳатларининг қиёсий таҳлилига қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шундай қилиб, тўмтоқ жароҳатланишларни дифференциал ташхисот мезонларини ишлаб чиқиш, турли хилдаги жароҳатланишлар билан боғлиқ мазкур тузилмалар жароҳатланишларнинг механизмларини баҳолаш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №2304530 «Қўшма таъсирот факторлари оқибатидаги жароҳатланишларда механогенез ва танатогенезни баҳолаш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади турли хилдаги тўмтоқ жароҳатланишлардан жабрланганларда бош, умуртқа-орқа мия ва қўл-оёқ жароҳатларини дифференциал ташхисотини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

баландликдан йиқилиш ҳолатларда жабрланганларда бош, умуртқа-орқа мия ва қўл-оёқ тузилмалари жароҳатлари табиати, жойлашув ўрни ва морфологик жиҳатларини баҳолаш;

ҳаракатдаги автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашуви ҳолатларида жабрланганларда тана ушбу қисмлари тузилмаларига етказилган жароҳатлар табиати, жойлашув ўрни ва морфологик жиҳатларини баҳолаш;

йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланган автомобил ҳайдовчиларида қайд этилган тузилмалар жароҳатланишлари табиати, жойлашув ўрни ва морфологиясининг ўзига хос жиҳатларини баҳолаш;

қайд этилган тафсилотларда жабрланганларда бош, умуртқа-орқа мия ва кўл-оёқ тузилмалари жароҳатларининг табиатлари, жойлашув ўринлари, морфологик жиҳатлари фарқ-тафовути ва шаклланиш механизми асосида суд тиббий ташхисотга доир илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Самарқанд, Навоий филиалларида 2015-2020 йиллар давомида қайд этилган баландликдан йиқилиш ва йўл-транспорт ҳодисаларида ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашувида ҳамда автомобил салон ичида жароҳатланиш оқибатида вафот этган шахслар жасадлари, тиббий хужжатлар, жасадлар суд-тиббий текширув хулосалари, жароҳатланган тўқималар тиббий-криминалистик текширувлар натижалари, ҳолатга доир иш материаллари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомалари нусхалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида баландликдан йиқилиш ва йўл-транспорт ҳодисаларида ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашувида ҳамда автомобил салон ичида жароҳатланган шахслар танасидаги жароҳатлар ҳақидаги материаллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадиқотда катамнестик, клиник, макроскопик, суд-гистологик, стереомикроскопик, тиббий-криминалистик, ўлчаш, таққослаш ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли хилдаги тўмтоқ жароҳатланишларда бош, умуртқа-орқа мия ва кўл-оёқ тузилмалари зарарланишининг табиати, кўлами ва шаклланиш жиҳатларига асосланган ҳолда суд тиббий ташхисот тизими такомиллаштирилган;

баландликдан йиқилишда бош суякларида турли хилли синишлар ва мия лати негизида қаттиқ парда ҳамда калла юмшоқ тўқималари зарарланиши, умуртқа-орқа мия тузилмаларининг икки ёки ундан ортиқ қисмида компрессион синишлар шаклланиши, биллак ва сон суякларида эса эпифизар-диафизар силжиб синишлар ҳамда товон суягида парчаланиб синишлар устунлик қилиши исботланган;

автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашувида асосан бош ва қисман юз суяклари синишлари ҳамда мия лати негизида қаттиқ парда ва калла юмшоқ тўқималари бутунлиги сақланиши, бўйин-кўкрак умуртқаларида дистракцион ва ротацион синишлар орқа ўсимталар зарарланиши ҳамда умуртқа поғонасини ажралиши билан кузатилиши, болдир, сон суякларида диафизар парчаланиб синишлар юқори даражада бўлиши асосланган;

ҳайдовчиларда чап томонлама гумбаз ва юз суякларида синишлар ҳамда мия лати негизида қаттиқ парда ва калла юмшоқ тўқималар бутунлигини сақланиши, умуртқа-орқа мия тузилмаларида бўйин, кўкрак юқори қисми ва бел соҳалари ротацион тарзда зарарланиши, елка, биллак ва сон суякларида

диафизар силжиб синишлар шаклланишининг ташхисотдаги ишончлилиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тўмтоқ механик воситалардан жароҳатланишлар билан боғлиқ летал ва нолетал ҳолатлар бўйича суд-тиббий текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби такомиллаштирилган;

жароҳатланишлар табиати ва оқибатлари бўйича маълумотлар врач экспертлар томонидан асосланган хулосалар қилиш ва турли хилдаги қўшма жароҳатланишларни таҳлил қилишда қўлланилган;

жароҳатланишлар табиати, қўлами ва жойлашиш ўрни клиник амалиётда даволашнинг турли босқичларида жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишда қўллаш учун тавсия этилган;

жароҳатланишлар тафсилотлари маълумотлари инсонлар орасида турли омиллар таъсири билан боғлиқ ногиронлик ва ўлимни камайтириш борасидаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, стереомикроскопик ва статистик усуллар асосида ҳалқаро ва маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бош, умуртқа-орқа мия ва қўл-оёқ тузилмалари жароҳатларининг табиати, жойлашув ўрни, морфологик жиҳатларининг турли хилдаги тўмтоқ механик травмалардаги фарқ-тафовутлари ишлаб чиқилганлиги ва механизмининг асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу тузилмалари жароҳатланишлари юзасидан суд-тиббий хулосаларнинг сифатини ошириш, хулосалар ишончлилиги ва асосланганлигини таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли хилдаги тўмтоқ жароҳатланишлардан жабрланганларда бош, умуртқа-орқа мия ва қўл-оёқ жароҳатларини экспертлик баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

турли хилдаги тўмтоқ жароҳатланишлардан жабрланганларда бош, умуртқа-орқа мия жароҳатларини экспертлик баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Тўмтоқ воситалар таъсирида умуртқа-орқа мия жароҳатларида суд-тиббий текширувлар ўтказиш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 мартдаги 8н-р/265-сон маълумотномаси). Натижада тўмтоқ механик воситалардан жароҳатланишлар бўйича суд-

тиббий текширувларини ўтказиш тартиби такомиллаштириш имконини берган;

турли хилдаги тўмтоқ жароҳатланишлардан жабрланганларда қўл-оёқ жароҳатларини экспертлик баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Тўмтоқ воситалар таъсирида узун найсимон суяклар синишлари суд-тиббий экспертизасида дифференциал ташхисот мезонларини аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 мартдаги 8н-р/264-сон маълумотномаси). Натижада жароҳатланишлар табиати ва оқибатлари бўйича маълумотлар врач экспертлар томонидан асосланган хулосалар қилиш ва турли хилдаги қўшма жароҳатланишларни таҳлил қилиш имконини берган.

Жароҳатланишлар табиати, қўлами ва жойлашиш ўрни бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий марказининг Бухоро, Сирдарё, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари филиалларининг морфология ва амбулатория бўлимлари амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 апрелдаги 8н-д/128-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши суд-тиббий текширувлар муддатини қисқартириш, иқтисодий харажатларни камайтириш ва текширувлар сифатини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган, илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, тўхтам, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бош, умуртқа-орқа мия, қўл ва оёқ жароҳатлари суд – тиббий текширувларининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи боб учта қисмдан иборат бўлиб, бош, умуртқа – орқа мия, қўл ва оёқтузилмалари жароҳатланишлари юзасидан жаҳон адабиётлари шарҳи маълумотларининг батафсил таҳлили асосида бу борадаги мавжуд маълумотлар етарлича эмаслиги, жароҳатланишар шаклланиши механогенези бўйича ахборотлар тизимлаштирилмаганлиги ва айримларида фарқ тафовутлар ҳам мавжудлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Турли хилдаги тўмтоқ жароҳатланишлардан жабрланганларда бош, умуртқа-орқа мия ва қўл-оёқ жароҳатларини экспертлик баҳолаш материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, предмети, шунингдек қўлланилган усуллари баён қилинган. Ишнинг мақсади ва белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотлар қуйидаги 3 та гуруҳда олиб борилганлиги ёритилган:

1-гуруҳ. Баландликдан йиқилишлар оқибатида қўшма жароҳатлардан вафот этган 82 нафар шахслар жасадлари суд-тиббий экспертизаси ўтказилди. Вафот этганлар ёши 16 дан 84 гачани, эркаклар -64 ва аёллар -18 нафарни ташкил этди (1-жадвалга қаранг). Йиқилиш баландлиги бир неча метрдан ўнлаб метргачани ва йиқилиш тафсилотлари бўйича: 4-5 ва 6-8 қаватли бинолар деразалари ва томларидан йиқилганлар-79 тани, симёғочдан, каруселдан ва дарахтдан йиқилганлар биттадан ташкил этди. 48 та ҳолатда жабрланганлар воқеа жойларда, қолган 34 та ҳолатда-даволаш мувосасаларида ҳалок бўлган.

1-жадвал

Баландликдан йиқилиш ҳолатларда жабрланганлар жинси ва ёши маълумоти

Ёш гуруҳлари	Эркаклар	Аёллар	Жами
16-17	4	2	6
18-35	20	5	25
36-60	30	9	39
60 ёшдан ошганлар	10	2	12
Жами	64	18	82

2-гуруҳ. Ҳаракатланувчи автомобиллар билан тўқнашувда ҳалок бўлган 172 нафар пиёдалар жасадлари суд-тиббий текшируви ўтказилди. Вафот этганлар орасида 134 нафар эркаклар, 38 нафар аёлларни, ёшлари 16 ёшдан 80 ёшгачани ташкил этди (2-жадвалга қаранг). 140 та ҳолатда пиёдалар билан тўқнашувлар замонавий енгил автомобиллар томонидан, 29 та ҳолатда-тўқнашувлар эски русумли енгил автомобиллар билан содир этилган ва 3 та ҳолатдаги тўқнашувда автомобил тури аниқланмади. Иш материаллари маълумотларига кўра, аксарият ҳолларда автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашуви фронтал ва фронтал-ёнбош кўринишида бўлган. Жабрланган пиёдаларнинг 92 нафари ҳодиса рўй берган жойда, қолган 80 нафари даволаш мувосасаларида вафот этган.

2-жадвал**Автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашувида жабрланганлар жинси ва ёш бўйича маълумоти**

Ёш гуруҳлари	Эркаклар	Аёллар	Жами
16-17	1	2	3
18-35	46	18	64
36-60	60	14	74
60 ёшдан юқори	27	4	31
Жами	134	38	172

3 - гуруҳ. Йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланиш оқибатида вафот этган 61 нафар автомобил ҳайдовчилари жасадлари суд-тиббий экспертизаси ўтказилди. Улар орасида эркаклар - 60 ва аёллар-1 нафарни, ёши бўйича 20 дан 69 ёшдагиларни ташкил этди (3-жадвалга қаранг). Ҳалокат тафсилотлари бўйича: автомобилларнинг бошқа ҳаракатланувчи транспорт воситалари билан тўқнашувлари-35, автомобилларнинг ағнашлари-19, кўзгалмас тўсиқлар билан автомобилларнинг тўқнашуви - 7 ҳолатни ташкил этди. Жабрланганларнинг 47 нафариходиса рўй берган жойда, қолган 14 нафари даволаш мувоасаларида вафот этган. 9 та ҳолатда ҳайдовчиларнинг қониди 0,5 дан 1,2% гача миқдорда этил спирти аниқланган.

3-жадвал**Автомобил салони ичи травмаларда вафот этган ҳайдовчиларнинг жинси ва ёш бўйича маълумоти**

Ёш гуруҳлари	Эркаклар	Аёллар	Жами
20-35	39	0	39
36-60	20	1	21
60 ёшдан ошганлар	1	0	1
Жами	60	1	61

Ҳар бир гуруҳ кузатувларида жароҳатланишлар тафсилоти жабрланганлар катамнези, ҳодиса жойини кўздан кечириш баёнлари, суд - тиббий экспертизалар тайинлаш тўғрисидаги қарорлар ва айрим ҳолларда иш материаллари маълумотлари асосида аниқланади. Суд-тиббий экспертизалар натижалари бўйича хулосалар жабрланганларнинг кийим-кечаклари текшируви, аъзо ва тўқималар жароҳатлари табиати, суд-гистологик ва суд-кимёвий текширувлар маълумотлари ва айрим ҳолларда-бош, қўл-оёқ ва умуртқалар тузилмалари жароҳатларининг тиббий-криминалистик текширувлари натижаларига асосланди, автомобил травмаларида суд-автотехник ва комплекс экспертизалар натижалари ҳам инобатга олинди.

Бош, умуртқа-орқа мия ва қўл-оёқ тузулмаларининг зарарланиш табиати ва шаклланиш хусусиятларини ўрганиш мақсадида энг кенг тарқалган клиник ва морфологик таснифларидан фодаланилди. Бош зарарланишида (Пиголкин Ю.И., 2018), умуртқа-орқа мия зарарланишлари ва қўл-оёқ суякларини синишида -AO/ASIFSpine (1982), Anderson и D' Alonzo (1974), ASIA (2002).

Тадқиқот натижаларининг статистик ишловида вариацион статистика доирасида корреляцион-регрессион таҳлил ўтказилади. Ҳар бир гуруҳда жароҳатланишлар кўрсаткичларини таҳлилида математик моделлардан фойдаланилди ва бунда t - мезон, минимал хатолик (m) ва фарқлар ишончлилиги қиймати (p) аниқланди.

Диссертациянинг «Турли хилдаги тўмтоқ жароҳатланишлардан жабрланганларда бош, умуртқа-орқа мия ва қўл-оёқ жароҳатларини экспертлик баҳолаш натижалари» деб номланган боби ўз ўрнида 3 та кичик бобга ажратилади. Ушбу бобнинг «Баландликдан йиқилиш ҳолатларда бош, умуртқа-орқа мия, қўл-оёқ тузилмалари жароҳатлари табиати, жойлашув ўрни ва морфологик жиҳатлари» деб номланган бўлимида баландликдан йиқилиш ва йиқилишнинг турларига боғлиқлидир. 5-8 қаватли бинолардан тушиб кетганда, кўпинча тананинг уч ва ундан кўп қисмлари қўшма жароҳатланишлари кузатилган. Баландликдан йиқилишда бош тузилмалари жароҳатланишнинг морфологик жиҳатлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Баландликдан йиқилишда жабрланган шахсларда бош тузилмаларининг зарарланиш хусусиятлари

Тузилмалар зарарланишининг морфологик жиҳатлари	Қатор кузатувлар
Калла юмшоқ тўқималари ва бош суяклари бутунлиги сақланиши негизда бош мия жароҳатланиши	14 (17%)
Калла юмшоқ тўқималари ва мия қаттиқ пардаси бутунлиги сақланган ҳолда бош суяклари синиши негизда бош мия жароҳатланиши	1 (1,2%)
Калла юмшоқ тўқималар бутунлиги сақланиши ҳолда бош суяклари синиши ва мия қаттиқ пардаси зарарланиши негиздаги бош мия жароҳатланиши	4 (4,8%)
Калла юмшоқ тўқималари зарарланиши ҳолда бош суяклари синиши ва мия қаттиқ пардаси бутунлиги сақланиши негизда бош мия жароҳатланиши	10(12,1%)
Калла юмшоқ тўқималари ва мия қаттиқ пардаси зарарланиши ҳамда бош суяклари синиши негизда бош мия жароҳатланиши	24 (29,2%)
Калла юмшоқ тўқималари зарарланиши ва бош суяклари ва мия қаттиқ пардаси бутунлиги сақланиши негизда бош мия жароҳатланиши	1 (1,2%)
Бош суякларини синишисиз ҳамда бош мия ва пардалари зарарланишисиз калла юмшоқ тўқималари жароҳатланиши	2 (2,4%)
Жами	56 (68,2%)

4-жадвалдан кўришиб турибдики, 68,2% ҳолларда бош тузилмаларига зарар етказилади ва улар кўпинча гумбаз суяклари синиши асос суяклар синишлари билан кечади. Деярли барча ҳолларда бош тузилмалари жароҳати кўкрак ва қорин тузилмалари жароҳатланишлари билан қўшалок ҳолда кузатилади ($t=0,3010$; $p<0,01$). Бош тузилмалари жароҳатланишида кўпинча гумбаз ва асос суяклари синишлари, бош мия оғир даражали лати негизда мия қаттиқ пардаси ва бош юмшоқ тўқималари бутунлиги бузилади ($t=0,0626$; $p<0,05$). 4-жадвалда кўришиб турибдики, баландликдан йиқилиш ҳолатларида кўпчилик ҳолларда бош тузилмалари зарарланади ва бунда

мия қаттиқ пардаси ҳамда калла юмшоқ тўқималари бутунлиги зарарланиши холда бош суяклари ва мия тузилмаси зарарланади.

Баландликдан йиқилиш билан боғлиқ қўшалок жароҳатларнинг бир қисмини умуртқа-орқа мия жароҳатлари ташкил этади ва бу тузилмалар жароҳатлари 51,2% ҳолларда кузатилади.

Бунда умуртқа поғонасининг икки ва ундан ортиқ қисмлари зараланади, жойлашув ўрни бўйича бўйин-кўкрак ва бел қисмлари жароҳатлари кўп кузатилади (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Баландликдан йиқилишда жабрланганларда умуртқа-орқа мия жароҳатлари хусусиятлари

Умуртқа-орқа мия жароҳатлари жойлашув ўрни	Кузатилиш кўрсаткичи
Бўйин пастки қисми (C ₃ -C ₇)	9
Кўкрак пастки қисми (T _{h7} -T _{h12})	8
Бел қисми (L ₁ – L ₅)	8
Кўкрак юқори қисми (T _{h1} -T _{h6})	5
Бўйин юқори қисми (C ₁ -C ₂)	4
Бўйин-энса жароҳати	-
Бўйин ва кўкрак қисми	3
Бўйин ва бел қисми	3
Кўкрак ва бел қисми	2
Жами	42 (51,2%)

Умуртқалар танасида компрессион синишлар устунлик қилади ($t=0,0626$, $p<0,05$), ротацион, дистракцион синишлар ва зарарланиш жойларидан умуртқа-орқа миянинг тўлиқ ажралиши санокли ҳолатларни ташкил этади. Умуртқа-орқа мия жароҳатлари билвосита жароҳатлар сифатида йиқилишнинг ҳар қандай вариантыда кузатилиши мумкин, аммо умуртқалартанаси компрессион синишлари фақат оёқларга тушиш ҳолатларига хос ҳисобланади. Баландликдан йиқилиш ҳолатларида қўл ва оёқ суяклари синишлари ҳақидаги маълумот 6-жадвалда кўрсатилган.

6-жадвал

Баландликдан йиқилишда жабрланган шахсларда қўл-оёқ суяклари синишлари маълумоти

Тузилмалар	Жойлашуви ва кўрсаткичлари		жами
	ўнгда	чап	
Елка суяклари	5	-	5
Билак суяклари	5	7	12
Сон суяклари	5	7	12
Болдир суяклари	-	6	6
Товон суяклари	2	2	4
Қўл-кафт ва панжа суяклари	2	-	2
Жами	19	22	41

6-жадвалдан кўриниб турибдики, баландликдан йиқилишда 50% ҳолларда қўл-оёқ суяклари синишлари аниқланди ва бунда елка-билак,

(Монтеджи ва Галиции типигаги синиш)сон,болдир суякларини синибсилжиши ва товон суяклари парчаланиб синишлари кўп ҳолларда қайд этилди ($t=1,3240$; $p<0,03$), узун найсимон суяклари синишлари кўпинча эпифизар ва диафизар силжиб синиши бўлиб, бўғим ичи синишлари кам ҳолларда қайд этилди.

Ушбу бобнинг «**Ҳаракатланаётган автомобиллар билан пиёдаларнинг тўқнашувларда бош, умуртқа-орқа мия ва қўл-оёқ тузилмалари жароҳатланиш табиати, жойлашув ўрни ва морфологик жиҳатлари**» деб номланган бўлимида қайд этилдики, тананинг икки ва ундан кўп қисмлари зарарланиши негизида қўл ва оёқ суяклари синишлари 54% ҳолатларда кузатилди. Қўшалок жароҳатлар таркибида қўл-оёқ суякларининг синишлари кўпроқ бўлиши, бу турдаги автомобил жароҳатларини бошқа турдаги тўмтоқ травмаларидан ажратиб туради. Қўшалок жароҳат таркибида бош тузилмалари жароҳатлари мутлоқ кўпини (98,8%) ташкил этди ва аксарият ҳолларда (162 тадан 120 тасида) гумбаз ва асос суякларининг синишлари, айрим ҳолатларда юз суякларининг - ёноқ, жағ, гаймор бўшлиғи деворлари вабурун суяклари синишлари бош тузилмалари жароҳатларининг бир қисми сифатида кузатилди. Пиёдаларда бош тузилмалари жароҳатлари мия қаттиқ пардаси ва юмшоқ тўқималари бутунлиги сақланган ҳолда бош суяклари синишлари негизига оғир бош мия лати ҳолати кўп қисмини ташкил этди - 83% ($t= 0,0626$; $p<0,05$).

Пиёдаларда бош тузилмалари жароҳатланишнинг морфологик жиҳатлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган (7-жадвалга қаранг).

7-жадвал

Автомобил травмаларида жабрланган пиёдаларда бош тузилмаларининг зарарланиш хусусиятлари

Тузилмалар зарарланишининг морфологик жиҳатлари	Кузатиш сони ва микдори (%)
Калла юмшоқ тўқималари ва бош суяклари бутунлиги сақланиши негизида бош мия жароҳатланши	29 (16,8%)
Калла юмшоқ тўқималари ва мия қаттиқ пардаси бутунлиги сақланган ҳолда бош суяклари синиши негизида бош мия жароҳатланиши	61 (35,4%)
Калла юмшоқ тўқималар бутунлиги сақланиши ҳолда бош суяклари синиши ва мия қаттиқ пардаси зарарланиши негизидаги бош мия жароҳатланиши	0
Калла юмшоқ тўқималари зарарланиши ҳолда бош суяклари синиши ва мия қаттиқ пардаси бутунлиги сақланиши негизида бош мия жароҳатланиши	53 (30,8%)
Калла юмшоқ тўқималари ва мия қаттиқ пардаси зараланиши ҳамда бош суяклари синиши негизида бош мия жароҳатланиши	5 (2,9%)
Калла юмшоқ тўқималари зараланиши ва бош суяклари ва мия қаттиқ пардаси бутунлиги сақланиши негизида бош мия жароҳатланиши	13 (7,5%)
Бош суякларини синишисиз ҳамда бош мия ва пардалари зарарланишисиз калла юмшоқ тўқималари жароҳатланиши	4 (2,3%)
Жами	170 (98,8%)

7-жадвалда кўриниб турибдики, пиёдаларда мутлоқ кўпчилик ҳолларда бош тузилмалари зарарланади ва бунда мия каттиқ пардаси ҳамда калла юмшоқ тўқималари бутунлиги сақланган ҳолда бош суяклари ва мия тузулмаси зарарланади, юз суяклари ҳам шикастланади. Бу эса ўз навбатида ушбу тузилмалар жароҳатлари АТ нинг 3-чи фазасида шаклланишидан далолат беради.

Автомобиллар билан тўқнашувда жабрланган пиёдаларда 25% ҳолларда умуртқа-орқа мия жароҳати қайд этилди, бунда асосан дистракцион ва ротацион синишлар фарқланди. Синишлар кўпинча умуртқалар таналари орасида кузатилиб, синиш соҳаларида орқа миянинг тўлиқ ажралиши аниқланди.

Умуртқа-орқа мия жароҳатларининг жойлашув ўрни бўйича кўрсаткичлари 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Автомобиллар билан тўқнашувларда пиёдаларда умуртқа-орқа мия жароҳатларининг жойлашув ўринлари бўйича кўрсаткичлари

Умуртқа-орқа мия жароҳатлари жойлашуви ўрни	Жароҳатланиш кўрсаткичлари
Бўйин пастки қисми (C ₃ - C ₇)	13
Кўкрак юқори қисми (T _{h1} -T _{h4})	8
Бўйин ва кўкрак умуртқалари қўшма жароҳати	7
Бўйин юқори қисми (C ₁ - C ₂)	5
Бел соҳалари қисми	3
Бўйин-энса жароҳати	2
Кўкрак пастки қисми (T _{h7} -T _{h12})	2
Кўкрак ва бел умуртқалари қўшма жароҳати	2
Бўйин ва бел умуртқалари қўшма жароҳати	1
Жами	43 (25 %)

8-жадвалдан кўриниб турибдики, пиёдаларда умуртқа-орқа мия жароҳатлари таркибида устунлик бўйин, кўкрак юқори қисми бўлимларига ва бўйин-кўкрак бўлимлари қўшма жароҳатларига тўғри келади. Жароҳатларнинг бир қисми сифатида бўйин-энса ҳамда 1-2 бўйин умуртқалари тузилмалари (C₁ умуртқасини Джефферсон типиди) жароҳатлари кузатилиши, бу турдаги автомобил травмаларининг баландликдан йиқилиши билан боғлиқ жароҳатлардан фарқлаш имконини беради. Бундан ташқари, кўкрак-бел қисмлари жароҳатларида умуртқа тузилмалари синишлари аксарият ҳолларда дистракцион ва ротацион хусусияти бўлди. Корреляцион таҳлил натижалари бўйича пастки бўйин (C₃₋₇) ва кўкрак юқори (T_{h1-6}), шунингдек бўйин-кўкрак қисмлари қўшма жароҳатлари пиёдаларда кўп ҳолларда кузатилиши аниқланди ($t=0,6360$; $p < 0,05$).

Автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашуви жараёнига энг характерли қўл-оёқ суяклари синишлари эканлиги қайд этилди (9-жадвалга қаранг).

**Автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашувида қўл ва оёқ суяклари
сিনিшларининг кўрсаткичлари**

Тузилмалар	ўнгда	чапдан	Жами
Болдир суяклари	23	12	35
Сон суяклари	4	3	7
Елка суяклари	1	3	4
Билак суяклари	1	1	2
Товон суяклари	1	-	1
Қўл-кафт, бармоқ суяклари	-	-	-
Жами	30	19	49

Пиёдаларнинг кўпчилигида болдир суякларининг синишлари, асосан улар диафизи ўрта учлигида парчаланиб «бампер синиши» тарзида кузатилиш кўрсаткичи АТ нинг 1-чи босқичида юқори даражада бўлди ($t=0,9430$; $p<0,01$), бундан ташқари пиёдаларда қўл-оёқ узун найсимон суякларининг қўшалок синишлари ҳам аниқланди.

Пиёдаларда иккала болдир суяклари синиши ва бир сон ҳамда бир болдир суяклари синишлари мавжудлиги, уларнинг автомобил ҳалокати 1-босқичида шаклланишини кўрсатади ($t=0,0820$; $p<0,05$). Бу турдаги жароҳатларда қўл суяклари синишлари одатда жабрланувчининг танаси йўл юзасига йиқилганда (3-фазада) содир бўлади.

Ушбу маълумотлар тиббий–криминалистик текширувлар услубларидан фойдаланган ҳолдасуд-тиббий экспертизалар жараёнида болдир ва сон суяклари синишлари табиатини атрофлича ўрганиш зарурлигини, бу эса ўз навбатида нафақат автоҳалокат турини, балки бирламчи зарба таъсир йўналишини ҳамда автомобил ҳаракати тезлигини ҳам аниқлашга имкон яратади.

Ушбу бобнинг Йўл-транспорт ҳодисаларида автомобил ҳайдовчиларининг бош, умуртқа-орқа мия ва қўл-оёқлари тузилмалари жароҳатланишларнинг табиати, жойлашув ўрни ва морфологик жиҳатлари бед номланган бўлимида жабрланган ҳайдовчилар тана қисмларидаги зарарланишлар мажмуаси икки ва ундан ортиқ тана қисмларини қамраб оладиган қўшалок жароҳатлар билан характерланади.

Ҳайдовчиларда қўшалок бош, кўкрак ва қорин соҳалари қўшма жароҳатлари шаклланиши 50,8% ҳолларда кузатилади. Бунда оғир бош мия жароҳатлари кўпинча гумбаз ва асос суякларининг синиши (55 тадан 35 та ҳолатда), лекин мия қаттиқ пардаси ва бош юмшоқ тўқималари бутунлиги сақланиши аниқланди ($t=0,0626$; $p < 0,05$).

Ҳайдовчиларда бош тузилмалари жароҳатланишнинг морфологик жиҳатлари 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

Автомобил травмаларида салон ичида жабрланган ҳайдовчиларда бош тузилмаларининг зарарланиш хусусиятлари

Тузилмалар зарарланишининг морфологик жиҳатлари	Қатор кузатувлар
Калла юмшоқ тўқималари ва бош суяклари бутунлиги сақланиши негизда бош мия жароҳатланиши	7 (11,5%)
Калла юмшоқ тўқималари ва мия қаттиқ пардаси бутунлиги сақланган ҳолда бош суяклари синиши негизда бош мия жароҳатланиши	19 (31,1%)
Калла юмшоқ тўқималар бутунлиги сақланиши ҳолда бош суяклари синиши ва мия қаттиқ пардаси зарарланиши негиздаги бош мия жароҳатланиши	0
Калла юмшоқ тўқималари зарарланиши ҳолда бош суяклари синиши ва мия қаттиқ пардаси бутунлиги сақланиши негизда бош мия жароҳатланиши	24 (39,3%)
Калла юмшоқ тўқималари ва мия қаттиқ пардаси зарарланиши ҳамда бош суяклари синиши негизда бош мия жароҳатланиши	2 (3,3%)
Калла юмшоқ тўқималари зарарланиши ва бош суяклари ва мия қаттиқ пардаси бутунлиги сақланиши негизда бош мия жароҳатланиши	1 (1,6%)
